



**МУРАДЛИМ
ХЭМ**



ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

илимий-методикалық журнал № 6/2



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI
KONSTITUTSIYASI KUNI BILAN!**

Нөкис - 2022



8 Декабр

***Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни***

2022-жыл ушын
«Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў»
журналына жазылыў баҳасы төмендегише:

Индекс: 2092

Жеке пухара ушын бир жылға 90 000 сум,
алты айға - 45000 сўм

Индекс: 2093

Көрханалар ушын бир жылға 110 000 сум,
алты айға - 55 000 сўм

КК филиал УзНИИПН

р/с 20210000800538464001

КК.Отд. «ИПОТЕКА БАНК» г. Нукус

МФО 00621

ИНН: 200362233



МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 6/2 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алиппер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Аскарбай НИЯЗОВ
Азамат НОРБЕКОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРИШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гўлрухсор ЭРГАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сўз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Umarov I.A. “Малика айёр” достони лексикасида туркий қатламнинг қўлланиши	4
Шодиева Ш.И. Оламнинг лисоний манзараси ҳақида қарашлар	9
Haydarova Z. Satira nazariyasi haqida mulohazalar	14
Mamaraximova N. Ijodiy tafakkurda nutqning ahamiyati	16
Ergashev A. Xurshid Do’smuhammadning ramzga asoslangan hikoyalarini o’qitish metodlari	21

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Yalubjanova D.,Maxmudov F. Diagnostikasi va rehabilitatsiya qilishda eshitishida nuqsoni bo’lgan bola va ularning ota – onalari bilan bog’liq muammolar	25
Musurmonov R., Musurmonova M. Yangi o’zbekiston sharoitida ta’lim muassasasi rahbarining innovatsion faoliyati xususiyatlari	29
Musurmonov R., Sultonova D. Zamonauiy ta’lim muassasasi rahbarining innovatsion faoliyati xususiyatlari	33
Musurmonov R., Suyrov A. Ta’lim muassasalari rahbarlarining ma’naviy kiefasi, madaniyati va unga q’iyilgan талаблар хусусида	37
Musurmonov R., Hakimova I. Eshlarning sharkona imidji va muomala odobini shakllantirish xususida	43
Tursunbaeva Yu. P. Oliy ta’lim sifatini ta’minlash va samaradorligini oshirishning zamonauiy imkoniyatlari	47
Rasulov A. H., Xurramov K.M. Ta’lim klasteri sharoitida “Iktisodiy bilim asoslari” fanini ukitishning tashkiliy sharoitlari	50
Agipov I. Yu. O’quvchilarni kasbga yo’naltirishda pedagogik diagnostika	55
Azamov J. Oliy ta’lim muassasalari boshqaruviga Osiyecha substantsial va processual avtonomiya tamoyillarini joriy etish samaradorligi	60
Ziyayev A. Seminar mashg’ulotlarini interfaol nashkil etishning afzallik jihatlarini	64
Arifxodjayev G., Yuldasheva O. Dizartiya nutq nuqsoni bo’lgan bolalarda idrok shakllanishining o’ziga xosligi	66
To’raqulov L. Oilaviy bolalar uylari tarbiyalanuvchilarining ijtimoiylashuvi	70
Tomboletayev F. B’ulajak ukituvchilarni metodik tayirlash tizimini takomillashtirishning xususiyatlari	75
Akramova X., Safarov M. Yordamchi maktabda ta’lim jarayonini rivojlantirishni o’ziga xosligi	79
Nazarqosimov Q., Qarshiboyev A. Ko’rishida nuqsoni bo’lgan bolalarda tarbiyaviy ishlarni olib borishda didaktik materiallarni qo’llanilish bo’yicha mashg’ulotlarning ahamiyati	83
Muxtafayulova D. Ta’limda tizimli endashuv	86
Mixilboyev F. Nutqning normal va nuqsanli rivojlanishida nutq va kognitiv funksiyalarning o’zaro bog’liqligi	91
Qaxharova N. N. Bolalarda mantiqiy fikrlashni shakllantirishning tarixiy falsafiy asoslari	94
Abdullayeva G. R. Adekvatlik tushunchasining psixologik tahlili	98
Eshbekova G. X., Ximmataliyev D. O. O’zbekistondagi umumiy o’rta ta’lim maktablarida korrupsiya tarqalishining oldini olish chora – tadbirlarida maktab rahbarining ijtimoiy roli	103
Islamova M.Sh. The role of natural sciences in education of “divergent personnel”	106
Ganieva A.3. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarining boshqaruv faoliyatini takomillashtirishda xorijiy tajribalar	108
Ximmataliyev D. O., Baratov D. Talabalarini innovatsion muxandislik faoliyatiga tayirlashda kreativ kompetentligini rivojlantirish	113
Mu’minov M. A. Xarbiy ta’lim muassasalarida tinglovchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish	116

Қораев С. Б. Таълим муҳитини бошқаришда кластерли ёндашув	118
Мухамедова Г. Б. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг хорижий тилларни ўрганишда креатив компетентлигини шакллантириш	120
Химматалиев Д. О., Исқандарова Г. П. Умумий ўрта таълим мактабларини креатив ёндашув асосида бошқариш	123
Хакимов Ж. О., Жалилов А. А. Профessional таълимда замонавий инновацияларнинг мазмуни ва моҳияти	127
Хакимов Ж. О., Жалилов А. А. Ўқитишнинг интерфаол технологияларидан фойдаланиш – касбий билимларни ўзлаштиришнинг муҳим омили	131
Химматалиев Д. О., Хакимова М. Ў. Замонавий дарснинг дидактик хусусиятлари	134

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ХАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРТИХ, ФИЛОСОФИЯ

Rasulova D. O'qituvchi va o'quvchi munosabatlarining axloqiy mezonlari	139
Qilichova M. Yoshlar siyosiy qiyofasi to'g'risidagi qarashlarning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati	141
Абдурашулова Д. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг амалда тадбиқ этилиши (Жиззах шаҳри мисолида)	147
Nazarqosimov Q., Berdiyev X. Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o'stirishda va korreksiyalashda logopedik yondoshuvlar	150
Raimjonov S. Yakka tartibdagi darslarda o'quvchilarning ijrochilik mahoratini rivojlantirish	152
Xolmirqayev O. O'zbek xalq cholg'usi chang tarixidan	156
Abdulkarimova E. O'zbekistonda mumtoz musiqa san'atida bastakorlik ijodining tutgan o'rni va uning tadrijiy rivojlanishi	159

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Tayirova M. Ta'lim jarayonlarida samarali tashkil qilishda ta'lim vositalari va multimedia texnologiyasidan foydalanishning dolzarbligi	165
Назарова Г. Бўлажак иктисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик мазмуни	170

БАСЛАҒЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

Akramova X., Abatbayeva A. Maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar o'yin faoliyatida nutqiy mulohotning faolligini oshirish xususiyatlari	173
Arifxodjayev G., Muminova Z. Boshlang'ich sinflarda disleksiyasi bo'lgan o'quvchilarning o'qish malakalarini korreksiyalash	176
Nekboyev X., Kamalova D. T. Boshlang'ich sinflarda fanlarni o'zaro integratsiyalashning o'ziga xos xususiyatlari	180
Сафаров Б. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларда педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар	188

ФИЗИКАЛИК ТАРБИЯ ХАМ СПОРТ

Пармонов А. Жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш модели	192
Абдуллаев О. Ўқувчилар руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ва уни жисмоний таълимда бартараф этиш вазифалари	196
Nurmatov F. A. Milliy harakatli o'yinlar va uning rivojlanishi	200
Каримов У.Р. Решение некоторых ошибок и недостатков в физическом воспитании и в спорте вузов и всех образовательных учреждениях	203

лар, маданиятлараро мулоқот ҳолатларида ишпирок этиш қобилияти ва тайёрлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Никитаев С.Н. Болонский процесс и государственные образовательные стандарты высшего профессионального образования нового поколения/ С.Н.Никитаев// М-лы второй международной научно-практической- конференции «Языки мира и мир языка». Московская академия экономики И права. — М: Экзамен, 2006. - С. 9-12.
2. Байденко В.И. Компетенции в профессиональном образовании/ В.И.Байденко// Высшее образование в России. - М., 2004. - №11. - С. 2-13.
3. Байденко В.И. Компетенции в профессиональном образовании/ В.И.Байденко// Высшее образование в России. - М., 2004. - №11. - С. 2-13.
4. Татур Ю.Г. Компетентность в структуре модели качества подготовки специ алиста/Ю.Г.Татур// Высшее образование сегодня. - М., 2004. - №3. - С. 21-27.
5. Татур Ю.Г. Компетентность в структуре модели качества подготовки специалиста/ Ю.Г.Татур// Высшее образование сегодня. - М., 2004. - №3. - С. 21-27.

РЕЗЮМЕ

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг хорижий тилларни ўрганишда креатив компетентлигини шакллантириш бир неча чет тилларини билишга эҳтиёж билан бирлаштирилади. Бу ҳозирги вақтда миллий ва умум европа даражасида, уларнинг шаклланиши таълимга йўналтирилган асосий компетентликлардан бири сифатида кўриб чиқилади.

Мақолада тилни ўқитиш соҳасидаги кўплаб инновацион жараёнлар, Болония декларацияси қоидалари, таълим тизимларини яқиний натижа нуктаи назаридан ва таълим жараёни бўйича таққослашни назарда тутувчи компетентли ёндашувни амалга ошириш ҳамда хорижий тилларни ўрганишда креатив компетентликини шакллантириш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Формирование творческой компетентности выпускников вузов в изучении иностранных языков сочетается с необходимостью владения несколькими иностранными языками. В настоящее время она считается одной из ключевых компетенций в образовании на национальном и общеевропейском уровне.

В статье освещены многие инновационные процессы в сфере обучения языкам, правила Болонской декларации, реализация компетентностного подхода, предполагающего сравнение образовательных систем по конечному результату и образовательному процессу, формирование творческой компетентность в изучении иностранного языка.

SUMMARY

The formation of the creative competence of university graduates in the study of foreign languages is combined with the need to speak several foreign languages. Currently, it is considered one of the key competencies in education at the national and pan-European level.

The article highlights many innovative processes in the field of language teaching, the rules of the Bologna Declaration, the implementation of a competency-based approach, which involves comparing educational systems in terms of the final result and the educational process, the formation of creative competence in learning a foreign language.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШҚАРИШ

Химматалшев Д. О.

ped f. D (DSc)

Искандарова Г.П.

*Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ёшлар академияси
фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси*

Таянч сўзлар: умумий ўрта таълим мактаблари, креатив ёндашув, бошқариш, тартиб, муҳит, таълим жараёни, мактаб раҳбари.

Ключевые слова: общеобразовательные школы, творческий подход, управление, порядок, среда, образовательный процесс, руководитель школы.

Key words: general education schools, creative approach, management, order, environment, educational process, head of school.

Кириш. Ҳар қандай ижтимоий тизим, шунингдек умумий ўрта таълим мактаблари ўз-ўзидан мавжуд бўлмаган, яқка ҳолда эмас, балки ижтимоий ва табиий тартибнинг бошқа тизимлари билан ўзаро боғлиқлигида ишлайди. Бу ушбу таълим тизими муҳитини ташкил этувчи алоқа тармоғи билан боғланган.

Муҳитга бевосита ва билвосита таъсир этиш мумкин. Бевосита таъсир тизимга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган омиллар мажмуи сифатида белгиланади. Билвосита таъсир муҳити – тизимга тўғридан-тўғри таъсир қилмайдиган, лекин унга маълум даражада таъсир кўрсатадиган омиллар мажмуи сифатида талқин қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Таълим жараёнида креативлик муаммоларини А.И.Матюшкин, М.И.Махмутов, Т.В.Кудрявцев, ижодий масала ва муаммоларини В.Г.Разумовский, В.И.Анупов, Д.Пойа, Ю.Н.Кулокинлар таҳлил қилганлар. Бунда, П.Н.Андрианов ўқувчилар техник ижодкорлиги мисолида ижодкорлик фаолиятини қуйидаги босқичларга бўлиб кўрсатади: гоёни идрок этиш ва асослаш; топшириқни техник жиҳатдан ишлаб чиқиш; топшириқ (объект) устида ишлаш; объектни ишда синаб кўриш ва ижодий ечим натижасини баҳолаш. Бироқ, мактаб раҳбарлари бошқарув маданиятини креатив ёндашув асосида ривожлантириш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли келтирилган адабиётлардаги масалаларни бевосита тадбиқ қилиб бўлмайди.

Н.С.Лейтеснинг фикрига кўра, “креативлик, энг аввало, алоҳида тафаккурни билдиради”. Бу таъриф мактаб раҳбарининг ижодий қобилиятга эга мутахассислар, ўқитувчилар билан келишмовчиликларига қарши ўзига хос сифатини бирлаштиради. Бундан ташқари, мактабни бошқариш учун тажриба ва олдидан кўра олиш сезгисининг шакллانганлиги муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқот методологияси. В.Н.Дружинин адабиётшунослар ва тарихчиларнинг асарларини таҳлил қилган ҳолда креативлик сифатлари шаклланганлигини белгилловчи омилларни санаб ўтади, улар:

Мустақиллик - шахсий манфаатларни жамоа манфаатидан кўра устун қўймаслик, баҳолаш ва мулоҳазаларнинг мувофиқлиги.

Ёрқин фикрлаш - ўзининг ва бошқаларнинг фикрларига ишонишга тайёрлик, янги ва ғайриоддий нарсаларни қабул қилиш.

Ноаниқ ва ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятларга бардошлилиқ, бу вазиятларда конструктив фаолият.

Эстетик туйғунинг ривожланганлиги, гўзалликка интилиш.

Ўзига ишонч ва характер кучи.

Хулқ-атворда қатъийлик.

Ҳазил туйғуси ривожланганлиги ва ғайриоддий вазиятларда мувозанатни топиш қобилияти.

Ушбу рўйхатда инқирозли вазиятларни муваффақиятли енгиб ўтиш тажрибасига эга бўлган мактаб раҳбарларининг ўзи ва унинг жамоадаги хатти ҳаракатлари ҳақида ёритилган.

Бошқарув маданиятини креатив ёндашув асосида ривожлантириш учун ҳиссий ва ижтимоий етуклик, юқори мослашувчанлик, мувозанат, неқбинлик, дунёга ўз қарашлари, ўзига хос фикрлаш ва хулқ-атвор керак бўлади.

Илгари креативлик инсонда мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлмаган сирли нарса деб ҳисобланган бўлса, энди креативликнинг имкониятларини англаш кўникмалар мажмуасига айланди.

Умумий ўрта таълим муассасаси учун ижтимоий буюртманинг асосий манбалари давлат, оила, алоҳида ижтимоий тузилмалар (соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва бошқалар), таъсисчилар ва бошқалар ҳисобланади. Бунда ижтимоий буюртма ташқи тизимни шакллантирувчи омил сифатида ишлайди. Ижтимоий буюртма таълим муассасасининг фаолияти ва ривожланиши учун зарур бўлган ахборот, методик, кадрлар, молиявий ва бошқа воситалар тўпламидан иборат маълум ресурсларни таъминлайди. Ижтимоий буюртмадан ва уни ресурслар билан таъминлашдан ташқари, ташқи муҳит таълим муассасасига ўз вазифаларини бажариши учун чекловлар қўяди. Бундай чекловлар сифатида таълим тизимининг меъёрий-ҳукукий асослари, айнан Давлат стандартларини айтиш мумкин. Ижтимоий буюртма талаблари, унинг “ресурс таъминоти”, давлат томонидан ўрнатилган меъёрлар ва қоидалар, шунингдек, шахсий имкониятлар, ўз жамоаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, таълим муассасаси ўз фаолиятини ташқил қилади, бу таълим, бошқарув ва ресурслар билан таъминлаш жараёнларига асосланади ҳамда унинг натижалари ташқи муҳитга узатилади.

Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий натижалари ўқувчиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, унинг шахсий ривожланиши бўлиб, бу кўп жиҳатдан унинг кейинги ёш даврига ўтиш муваффақиятини белгилайди. Натижаларга ўқитувчиларнинг шахсий ютуқлари, муассасанинг ўзи эришган ютуқлари ҳам киритилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган барча ташқи муҳит омиллари ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Ташқи муҳитдаги ўзгаришлар таълим муассасасидаги ўзгаришларга олиб келади. Бинобарин, таълим муассасаси ташқи муҳит таъсирида ўзгарувчан динамик тизим ҳисобланади.

Бундан ташқари, мактаб ташқи муҳитга мослашish хусусиятига эга. Бу унинг ташқи муҳитдаги ўзгаришларга ўз ҳаёт фаолияти учун қулай оқибатларга олиб келадиган тарзда муносабатда бўлиш қобилиятида намоён бўлади. Айнан мослашув муассасасига “яшаб қолиш”, бутунги қийин ижтимоий-иқтисодий вазиятда самарали фаолият кўрсатиш имконини беради.

Тизим сифатида мактабнинг яна бир хусусияти мослашish хусусияти билан боғлиқ – барқарорлик бўлиб, яъни баъзи ўзгарувчиларга нисбатан барқарорликдан иборат. Мослашувчан тизим ўзгарувчиларни маълум чегараларда ушлаб туради, барқарорлик ва қулай ишлашни таъминлайди. Тизим барқарорлигини таъминлаш учун унинг зарур мақсадларга эришишга йўналтирилганлигини таъминлайдиган қайта алоқа алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, мактаб нафақат мослашувчан, балки атроф-муҳитга таъсир қилиш қобилиятига эга бўлган мослашувчан тизим сифатида ҳам намоён бўлади.

Мактаб раҳбарининг ташқи алоқалари қуйидагиларни аниқлаш имконини беради:

- ташқи муҳит билан самарали алмашинув ҳисобига ишлайдиган ва ривожланадиган очиқ тизим;
- ижтимоий белгиланган мақсадларни самарали амалга оширишга қаратилган мақсадли тизим;
- ташқи муҳит таъсирида ўзгариш хусусиятига эга бўлган динамик тизим;
- бир томондан, ташқи муҳит ўзгаришларига мослашish, иккинчи томондан, унга фаол таъсир кўрсатиш хусусиятини ўз ичига олган мослашувчан тизим;



1-схема. Мактабнинг ички муҳити

- тапши таъсирларга муносабатда чидамликда намоён бўладиган барқарорлик билан тавсифланган тизим.

Мактабнинг ички муҳити, яъни унинг таркиби (таркибий компонентлар мажмуи) ва тузилишини (ички алоқалар, хусусиятлар ва муносабатлар мажмуини) ажратиб кўрсатамиз.

1-схемада мактабнинг ички муҳити кўрсатилган.

Схемадан кўриниб турибдики, мактабда содир бўладиган барча жараёнлар тапшикий (ички) маданиятнинг катта таъсири остида бўлиб, унинг фаолиятининг асосини акс эттирувчи ўзига хос “концептуал асос” ҳисобланади.

Мактабни жараёнли тизим сифатида кўриб чиқиш унинг учта қўйи тизими - жараёнларини ажратиб кўрсатиш зарур:

I - таълим жараёни,

II - ресурслар билан таъминлаш жараёни,

III - бошқарув жараёни.

Биз бошқарув жараёни ҳақида сўз юритамиз.

Умумий ўрта таълим муассасасида содир бўладиган асосий жараён бу таълим жараёндир, чунки у муассасанинг асосий натижаси - ўқувчиларнинг ривожланиши, унинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга бевосита таъсир қилади.

Қадриятлар, миссия, мақсадлар, тамойиллар, меъёрий-ҳуқуқий асослар, анъаналар мактабнинг тапшикий маданиятининг таркибий қисмлари сифатида, унда содир бўлаётган барча жараёнларнинг характерли хусусиятларини белгилайди, “... жамоа фаолиятининг меъёрий-боғловчи асослари” сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари унинг Устави ва маҳаллий ҳужжатлари: таъсисчи, ота-оналар, кўшимча таълим хизматларини кўрсатиш бўйича мутахассислар билан тузилган шартномалар, ички меҳнат қоидалари, лавозим йўриқномалари ва бошқаларда акс эттирилади.

Тапшикий маданий таркибий қисмларни ўзгартириш мактабнинг барча қўйи тизимлари ва элементларида тизим сифатида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Масалан, шахснинг асосий қадриятлари сифатида унинг ўзига хослиги ва такроран-маслигини тан олиш таълим муассасасида ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиришда уларнинг шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашни таъминлаш мақсадларига эътиборни кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Хулоса ва тақлифлар. Бу, ўз навбатида, муассасанинг бошқарув тузилмасини ўзгартириш – унда ўқувчиларнинг соғлигини сақлаш ва шахсий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган органлар ва субъектларни ажратишни, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномаларига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Бундан тапшари, ўқувчиларга ўз шахси ва фаолиятини қуришда ижобий эркинлик бериш, “боланинг индивидуал ривожланиш йўналиши”ни таъминлаш йўналиши бўйича таълим жараёнининг мазмуни, шакллари ва методларини ўзгартириш зарурати мавжуд (И.С.Якиманская).

Шунингдек, ўқитувчиларни субъект-объект моделидан болалар билан субъект-субъект ўзаро ҳамкорлик моделига қайта йўналтириш муҳим бўлиб, бу болага ўз фаолияти субъекти мавқеини таъминлайди, шунингдек, таълим муассасалари ходимларини бошқаришни инсонга бўлган ҳурмат ва ишонч, унинг субъективлигини тан олишга асосланган шахсга йўналтирилган маъмурий моделга қайта йўналтиради.

Таълим жараёнида амалга оширилаётган ўзгаришлар муассасанинг моддий-техник базасини ва биринчи навбатда, болага нафақат ривожланиш, балки унинг ўз индивидуаллигини намойиш қилиш, ўз Менини амалга ошириш имкониятини беришга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Андрианов П.Н. Мактаб ўқувчилари техник ижодкорлигини ривожлантириш // Ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги. Тузувчи П.Н.Андрианов. - Т.: "Ўқитувчи", 1989.128 б.
2. Лейтес Н.С. Возрастная одаренность и индивидуальные различия. - М.: МОДЭК, 1997. 448 с.
3. Дружинин В.Н., Конторов Д.С. Проблемы системологии. - М.: Советское радио, 1976. - 296 с.
4. Каган М.С. Человеческая деятельность: Опыт системного анализа. - М., 1974,- 328 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактабларини креатив ёндашув асосида бошқариш масалалари илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье научно исследуются вопросы управления общеобразовательными школами на основе творческого подхода.

SUMMARY

This article scientifically investigates the issues of management of general education schools based on a creative approach.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ МАЪМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Ҳакимов Ж.О.

*Тошкент давлат техника университети, “Энергия машинасозлиги
ва касб таълими” кафедраси доценти*

Жалилов А.А.

“Темурийлар мактаби” ҳарбий-академик лицейи етакчи ўқитувчиси

Таянч сўзлар: профессионал таълим, инновация, технология, ривожланиш, жамият, таълим дастурлари, маъмун, моҳият.

Ключевые слова: профессиональное образование, инновация, технология, развитие, общество, программы образования, содержание, сущность.

Key words: professional education, innovation, technology, development, society, educational programs, content, essence.

Таълим соҳасидаги инновациялар амалиётда илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш билан узвий боғлиқ. Ҳозирги замон педагогика фанида етакчи ўрин тутган ўқув-тарбия жараёни таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, шахсини шакллантиришга йўналтирилган. Таълимдаги ўзгаришлар вақт тақозоси, таълимга, тарбияга, ривожланишга бўлган муносабатнинг ўзгариши билан узвий боғлиқ. Таълимдаги инновациялар таълимни мувофиқлаштиришга, уни керакли узанга йўналтиришга имкон беради. Кишилар оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган ўзгаришлар, янгиликларга доимо хавотир билан қарашиб, салбий муно-